



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Ҳолиқулов Рустам Шарипович¹, Алтибоев Ҳусан²

¹ Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
доценти

² Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
магистранти

МИЛЛИЙ БОЖХОНА ТИЗИМИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА КАДРЛАР МЕХАНИЗМИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимизда миллий божхона тизимининг яратилиши ва божхона тизими учун кадрлар тайёрлаш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: божхона, божхона институти, PICARD тизими, божхонаа ислоҳоти, божхона стандарти, таълим стандарти.

Дунё мамлакатлари ўртасида кечаётган иқтисодий ҳамкорлик масалалари доираси кенгаётган бир вақтда мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ташки иқтисодий фаолиятнинг ривожланишига кўмаклашишда иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар билан қуролланган замонавий дунёқарашдаги божхоначиларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан божхона органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳамда божхона маъмурчилигига оид қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда муҳим ва стратегик вазифалар белгиланди. Албатта, бундай масъулиятли вазифаларни бажариш бевосита божхона тизимининг салоҳиятли кадрлар билан таъминланганлигига боғлиқ. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда божхона соҳаси учун ҳам миллий кадрларни тайёрлаш тизими шакллантирилди. Ҳусусан, божхона иши соҳасида мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича нафақат Ўзбекистонда,

балки минтақада ягона бўлган ихтисослаштирилган олий таълим муассасасини ташкил этиш зарурати юзага келди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар барқарор ривожланишни таъминлаш имконини берадиган мобиЛЬ мослашувчан олий таълим тизимини шакллантиришни талаб этмоқда. Мустақиллик йилларда мамлакатимиз таълим тизимини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Истиқлол йилларида яратилган узлуксиз таълим тизими ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни шакллантириш учун зарур бўлган чуқур билимларга эга бўлиш имконини беради. Таълим соҳасига инновацияларни жорий этиш натижасида инновацион таълим тизими шакллантирилмоқда¹.

Бугунги кунда жадал суръатлар билан кечётган халқаро интеграцион жараёнлар, инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш даврида божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш, божхона ва бизнеснинг ҳамкорлик истиқболлари, божхона органларини рақамли ривожлантириш, истиқболли божхона технологиялари, божхона маъмуриятчилигининг муаммолари ва истиқболлари, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги муносабатларни иқтисодий-хуқуқий тартибга солиш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда. Шу билан бир қаторда, божхона ишини самарали ташкил этишда фан, таълим ва амалиётнинг ўрни бекиёс бўлиб, божхона органлари фаолиятини илмий жиҳатдан ташкил этиш бир вақтнинг ўзида вақт ва инсон ресурсларидан самарали фойдаланишга олиб келади.

Дастлаб, божхоначи кадрлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг божхона тизимидағи юқори малакали мутахассислар тайёрловчи билим юрти сифатида Тошкент шаҳрида жойлашган Олий ҳарбий божхона институтида тайёрланган. Мазкур олийгоҳ 2002 йилнинг 22 майида божхона коллежи, Солиқ ва божхона академиясининг божхона иши факультети негизида ташкил этилган. Унинг таркибида божхона иши, қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетлари ҳамда 12 кафедра (жанговар, ҳарбий хизмат, жисмоний тайёргарлик ва автомобиль иши, божхона назоратини ташкил этиш; ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш каби ўкув тузилмалари мавжуд эди².

2017 йилга қадар бўлган вақт давомида мазкур таълим муассасасида божхона тизимидағи кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги оширилиб, тизим ходимлари қайта тайёрланган ҳамда уларнинг малакаси оширилган. Божхона иши соҳасида илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларнинг шу каби ўкув бўлинмалари билан амалий, услубий алоқалар ўрнатиш, илмий адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари бажарилган эди. Институтда таълим жараёнлари ўкув қўлланмалари, дастурлар, илмий ва методик қўлланмалар нашр этилади.

Ўзбекистонда олий таълим тизимини бошқаришни жадал ривожлантиришга юқори даражада эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини

¹ Мамажанов И.Г. Таълимда инновация ва инновацион фаолият // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnalı. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. – B. 120.

² Нигматов М. Олий ҳарбий божхона институти // <https://qomus.info/encyclopedia>.

такомиллаштириш вазифалари, яъни узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш” бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган³.

Бу борада сўнгги йилларда Ўзбекистон таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар божхона органлари учун кадрлар тайёрлашга оид таълим тизимида ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қабул қилинган бир қатор фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар ижросини самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан соҳани юқори малакали кадрлар ва асосланган илмий-тадқиқот натижалари билан таъминланишига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3995-сонли қарори муҳим қадам бўлди. Қарорга мувофиқ, янгидан қайта ташкил этилган Божхона институти божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса сифатида белгиланди. Институт 2003 йилдан буён юқори малакали божхона ходимларини тайёрлаб келмоқда⁴. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти этиб қайта ташкил этилди ва божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида олий таълим тизимида таҳсил олиш учун кенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтириш, университетлар нуфузини ошириш, нодавлат таълим муассасалари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш, нуфузли хорижий институт ҳамда университетлар билан ҳамкорликни кучайтириш, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган эди⁵. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари, сиртқи ва кечки ўқув шаклларининг очилиши, қабул қвоталарининг оширилиши бу борадаги ислоҳотларнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

³ Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – В. 3.

⁴ Божхона институти ташкил этилди / <https://www.gazeta.uz/>.

⁵ <https://president.uz/uz/>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги⁶ қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти этиб қайта ташкил этилди ва божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса сифатида белгиланди.

Қарорда божхоначи мутахассислар тайёрлаш бўйича малака талаблари, ўкув режалари ва дастурларининг амалиётга йўналтирилганлик жиҳатини кучайтириш орқали кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, битиравчиларда етарли амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида 2018-2019 ўкув йилидан номутахассислик фанларнинг ҳажми қисқартирилиб ва мутахассислик фанлари ҳажмини ошириш ҳисобидан уч йиллик назарий курс ҳамда ҳудудий божхона бошқармаларида бир йиллик стажировка ўташдан иборат ўқитиш тизими йўлга қўйилади. Мутахассислик соҳасидан билим ва малака билан биргалиқда хорижий тиллардан бирини мукаммал билиш, касбий фаолиятда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмасига ҳамда метин ва букилмас иродага эга бўлиш замонавий божхоначи учун зарур бўлган муҳим компетенциялар сирасига киради. Шу боис, курсант ва тингловчиларни психологик бардошлилигини ошириш ва хорижий тилларни ўрганишни замонавий тизимини жорий этиш мақсадида Тил ва психологик тайёргарликни ривожлантириш маркази фаолият юритиб келмоқда⁷.

Божхона институти божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ихтисослаштирилган олий таълим ҳамда илмий-методик муассаса этиб белгиланган. Институтда 2 та - Божхона иши ҳамда Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетлари, 10 та кафедра ва 2 та марказ ташкил этилиб, божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда икки босқичли «Божхона иши» ва «Юриспруденция» таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда «Божхона иши» ва «Солиқ ва божхона ҳуқуқи» мутахассислари бўйича 1 йиллик магистрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Институт тузилмасида касбий кўникмаларга эришиш самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи Ахборот технологиялари ва моделлаштириш маркази, Тил ва психологик ривожлантириш маркази, Божхона назоратининг техник воситалари ўкув лабораторияси каби янги тузилмалар ташкил этилди ҳамда мавжуд кафедралар оптималлаштирилган. Айни вақтда инциутнинг бакалавриат босқичида 552 нафар курсант ва магистратураси босқичида 15 нафар тингловчи таҳсил олмоқда⁸.

Институтда божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда икки босқичли “Божхона иши” ва “Юриспруденция (иқтисодий хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш)” таълим йўналиши бўйича бакалаврларни ҳамда “Божхона иши (фаолият турлари бўйича)” ва “Солиқ ва божхона ҳуқуқи” мутахассислари бўйича

⁶ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 24.11.2018 й., <https://lex.uz/docs/4076899>.

⁷ Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – В. 5.

⁸ Божхона органлари учун салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ҳолати кандай? // Халқ сўзи. 2020 йил. 16 октябрь.

магистрларни тайёрлаш амалга оширилиши назарда тутилган. Институтда божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда курсантларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва уларни амалиётда қўллаш кўниумасини ривожлантиришга йўналтирилган янгича ўқитиш тизими шакллантирилди⁹.

Мазкур институт ўтган давр мобайнида соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича янгича ўқитиш тизимини шакллантириш, ўкув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган замонавий педагогик ва ахборот технологияларни кенг жорий этиш, назария ва божхона амалиёти узвийлигига асосланган илфор ўқитиш усулларини кенг қўллаш, янги авлод дарслекларини яратиш ва ўкув жараёнига кенг татбиқ этиш ҳамда чет тилларини мукаммал ўзлаштирган кадрлар тайёрлаш борасида эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Профессионал божхоначиларни тайёрлашда кадрлар билими, малакаси ва кўниумалариға қўйиладиган малака талаблари асосида бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари ўкув режалари ишлаб чиқилди. Бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда, божхона иши соҳасидаги халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда божхона органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари ҳам амалга ошириляпти.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон Фармони божхона органлари учун кадрларни тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш бўйича мантиқий узвийликни намоён этди¹⁰.

Мазкур фармонга мувофиқ “2020-2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш Концепцияси”нинг божхона органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакаси ва маҳоратини янада ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича устувор йўналишида қайд этилган ДБҚнинг Божхона институти «Божхона иши» бакалавриат таълим йўналишини ЖБТнинг PICARD (Божхона академик тадқиқотлари ва ривожланиши соҳасида ҳамкорлик) дастурининг профессионал стандартларига мувофиқ аккредитациядан ўтказиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мазкур Фармон доирасида божхона иши амалиётининг узлуксиз таълим тизими билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида ДБҚнинг Божхона институтида таянч докторантура ва мустақил изланувчанлик институтини ўз ичига олган олий ўкув юритидан кейинги таълим тизимининг ташкил этилиши соҳа фаолиятини илмий асосда бошқариш, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш ва божхона соҳасида илмий мактаблар шакллантириш механизмини ишга тушириш имконини берди. Илмий-тадқиқот натижалари божхона қонунчилиги ва амалиётини такомиллаштириш

⁹ Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – В. 4.

¹⁰ Электрон ресурс. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4844615>.

билинг бир қаторда, таълимни янги билимлар билан бойитишига, амалиётта йўналтирилганлигини кучайтиришга хизмат қиласди¹¹.

Бугунги кунда божхона соҳасида кадрлар тайёрлашга оид таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда: - божхона ишига оид назарий билимларнинг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш мақсадида мутахассислик фанлари бўйича “Е-Тренажёр” имитацион комплекслари жорий этилди. Натижада, таълимнинг назарий босқичи амалий жиҳатдан бойитилиб, бўлажак божхона органлари ходимининг мустақил фикр юритиш ва муаммоли масалага доир эркин қарор чиқариш кўникмасига эга бўлиш имконини бермоқда; - креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини намоён этиши учун мутахассислик фанлари доирасида божхона органларида хизмат қилиб келаётган амалиётчи ходимлар иштироқида практикум машғулотлари ташкил этилмоқда; - курсантларнинг ўқув дастурларида кўзда тутилган мавзуларни ўзлаштириш даражаларини ошириш, амалий малака ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида аудитория дарс машғулотлари материаллари мустақил таълим топшириқлари билан бойитиб борилмоқда¹².

Соҳанинг етакчи мутахассисларидан бири бўлган В.Эргашевнинг хulosаларига кўра, божхона органлари потенциалини ошириш ва ривожланишининг стратегик йўналишларини белгилаш мақсадида соҳани ўзини-ўзи ривожлантириш механизmlарини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Бу борада қўйидаги устувор йўналишлар:

божхоначининг замонавий модели талабларига жавоб берадиган ходимни шакллантиришга қаратилган ўқув жараёнини алоҳида ёндашув асосида эмас, балки компетентлик ёндашувни қўллаган ҳолда ташкил этиш. Бунда компетент мутахассиснинг малакали мутахассисдан фарқи шундаки, биринчиси нафақат билим, кўникма ва малакага, балки уларни иш жараёнида ҳам амалда қўллай олиш кўникмасига эга бўлади;

назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимиға ўтилаётганлигини назарда тутиб, божхона органларида “таълим-фан-амалиёт” интеграциясиға асосланган яхлит тизимни шакл лантириш; ходимларнинг малакасини оширишдан бутун божхона органлари тизими манфаатдор эканлигини ҳисобга олиб, ходимнинг ўз устида мунтазам равишда ишлашини таъминлаш мақсадида божхона органлари ходимлари малакасини узлуксиз оширишнинг яхлит тизимини жорий этиш;

илмий-тадқиқот фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда соҳа муаммоларига доир фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга ошириш, бунда илмий тадқиқотлар сифатини ошириш; таълим, фан ва ишлаб чиқарishнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш мақсадида институт илмий-тадқиқот фаолиятини божхона органларини ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб ташкил этиш, божхона амалиётининг долзарб муаммолари бўйича амалий

¹¹ Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – В. 6.

¹² Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – В. 7.

тадқиқотларни кўпайтириш ва натижаларини соҳага жорий этилишига эришиш, нуфузли халқаро илмий журналлардаги нашр фаоллигини ошириш, ҳар бир профессор-ўқитувчини самарали илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиши таъминлаш орқали институт илмий салоҳиятини ошириш, илмий-тадқиқот ишларига иктидорли ёшларни жалб этиш қамровини ошириш; педагог ходимларнинг узлуксиз малакасини оширишга рағбатлантирувчи тизим яратиш, уларни чет тилларни билиш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириб бориш;

ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташабbusни амалиётга татбиқ этиш орқали таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, уларни миллий қадриятларга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёт ғоя ва мафкураларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади¹³.

Хулоса қилиб айтганда, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислоҳотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада кенг қўламда давом эттириш давр талабидир. Божхона органларида хизмат қилишга бел боғлаган ҳар бир ёшнинг онги-шуурида, қалбida ҳалоллик, одиллик туйғуси аланга олган бўлиши, Ватанга содик хизмат қилиш муқаддас бурч, деган халқаро даъватни ҳис қилиши керак. Бу жараёнда институт жамоаси халқаро таълим стандартлари асосида ўқув-услубий тизимни такомиллаштириш, курсантларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, ўқув жараёнида компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методикаларни қўллашга асосий эътибор қаратиш лозим. Келгусида институт битирувчилари хизмат фаолиятлари ва ҳаётини божхона хизмати билан мустаҳкам ва чамбарчас боғлаган ҳолда ўз келажакларини давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини қаратишга масъул эканлигини дил-дилдан ҳис этиб боришиди. Юқоридагилардан хулоса қиласиган бўлсак, Ўзбекистонда давлат божхона хизмати органларига кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими тўлақонли шаклланиб ултурган десак муболага бўлмайди ҳамда замон талабларига ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

1. Мамажанов И.Г. Таълимда инновация ва инновацион фаолият // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil. – B. 120.
2. Ниғматов М. Олий ҳарбий божхона институти // <https://qomus.info/encyclopedia>.
3. Эргашев В. Божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – Тошкент. 2021. №1. – B. 3.

¹³ Эргашев В. Бўлажак божхоначиларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш — замон талаби/ Янги Ўзбекистон. 20221 йил 27 январ.

4. Божхона институти ташкил этилди / <https://www.gazeta.uz/>.
5. <https://president.uz/uz/>.
6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 24.11.2018 й., <https://lex.uz/docs/4076899>.
7. Божхона органлари учун салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ҳолати қандай? // Халқ сўзи. 2020 йил. 16 октябрь.
8. Эргашев В. Бўлажак божхоначиларни халқаро стандартлар асосида тайёрлаш — замон талаби/ Янги Ўзбекистон. 20221 йил 27 январ.